БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 100 (18.278). • Пайшанба, 1982 йил 29 апрель. • Баҳоси 3 тийин.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент области саноат корхоналари коллективлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажара бориб, социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш туфайли маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини муддатидан илгари — 28 апрелда бажардилар. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамига қадар пландан ташқари 46 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот реализация қилинади.

ИШЧИ ЎРИНБОСАРЛАРИГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

Леонид Ильич Брежнев ишчилар синфи аъзолари сонининг анча ўсганлигини Ўзбекистоннинг энг муҳим социал ютуқларидан бири деб атади. Ҳозирги вақтда ишчилар синфи республика аҳолисининг кўпчилигини ташкил этмоқда. Леонид Ильич Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида ишчи ўринбосарлари тайёрлашдан иборат ғоят муҳим ишда муваффақиятлар тилади. Республика партия-хўжалик активининг 28 апрель куни Тошкентда ўтказилган йиғилишида КПСС XXVI съезди қарорлари ва Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топириш вақтида берган кўрсатмалари асосида республикада ҳунар-техника таълимини янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Йиғилишда область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, Тошкент область ва шаҳар партия комитетлари фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг масъул ходимлари, область комсомол комитетларининг секретарлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар, область ҳунар-техника таълими бошқармаларининг раҳбарлари, область, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимларининг ходимлари, ҳунар-техника билим юртларининг директорлари, партия ташкилотларининг секретарлари, ишлаб чиқариш таълими ўқитувчилари ва мастерлари иштирок этдилар.

Йиғилишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов кириш нутқи билан очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди. Докладни муҳокама қилишда Тошкент области ижроия комитетининг раиси Т. А. Алимов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг секретари К. Е. Юсупов, Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. К. Каюмов, Навоий шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Н. В. Духанов, Хоразм область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи Л. А. Асқарова, Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг ўринбосари Ҳ. А. Алимова, республика қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Тошкентдаги 11-техника билим юртининг директори К. В. Иванов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев, Андижондаги 10-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юрти ўқитувчиси А. А. Акбаров қатнашдилар.

Йиғилишда юқори малакали кадрларга эҳтиёж ғоят катта эканлиги ва халқ хўжалигини ривожлантириш миқёсларини, республикадаги мавжуд бой минерал хом ашё ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланишни ҳисобга олганда бундай малакали кадрларга эҳтиёж тобора ошиб бориши таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 520 та билим юрти бор. Бу 1970 йилдагидан 400 та кўпдир. Тўқкизинчи беш йилликдагига қараганда ўрта ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг сони уч ярим баравар, техника билим юртларида эса 4,6 баравар ўсди. Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм областларида уларнинг тармоғи анча кенгайди. 280 та қишлоқ ҳунар-техника билим юрти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун кадрлар тайёрламоқда.

Шу беш йилликда ҳунар-техника таълими олдида катта вазифалар турибди. Республикада 1 миллион 814 минг малакали ишчи тайёрлаш зарур. Бу ўнинчи беш йилликдагига қараганда қариб бир ярим баравар кўп.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар ҳозирча бу соҳадаги ишда йўл қўйилаётган нуқсонлар ва камчиликларга тўхталиб ўтдилар. Бир қанча ҳунар-техника билим юртларида назарий ва ишлаб чиқариш таълими етарли даражада эмас, ҳозирги замон ишлаб чиқариши бир қанча турдош касбларни мукаммал эгаллаб олган ишчиларга муҳтож бўлган бир пайтда улар тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаб чиқармоқда. Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш талаб этилади, синфдан ташқари ишларнинг хилма-хил форма ва методларидан фойдаланишга, физкультура ва спортни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш зарур.

Йиғилиш қатнашчилари таълим-тарбия ишларининг муваффақияти билим юртлари инженер-педагогик ходимларига кўп жиҳатдан боғлиқдир, деб айтдилар. Наманган, Тошкент, Сурхондарё областларидаги кўпгина билим юртларида кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда жиддий камчиликлар мавжуд. Билим юртларини ўқитувчилар ва мастерлар билан таъминлашда базавий корхоналар, министрликлар ва идоралар бевосита ёрдам беришлари зарур. 1983 йил ва беш йилликнинг шундан кейинги йиллари учун белгиланган планларда Бухородаги технология ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтларида, ҳунар-техника таълими учун мутахассислар тайёрлашни кенгайтиришни кўзда тутиш лозим.

Йиғилишда яқин орада жойлашган саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, қурилишларни ҳисобга олган ҳолда билим юртларини тўғри жойлаштириш ва ихтисослаштириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди. Область, шаҳар, район учун зарур бўлган ишчи кадрлар ўша жойнинг ўзида тайёрланиши лозим. Янги корхоналар учун ишчи ўринбосарлар тайёрлашда кўп камчиликлар сезилмоқда. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан реконструкциялаш ва қайта жиҳозлаш муносабати билан замонавий серунум станоклар ва машиналарда меҳнат қилишга қодир, мураккаб асбоб-ускуналар ва автомат манипуляторларга, программавий бошқариладиган ва электрон ҳисоблаш қурилмаларида ишлай оладиган ишчилар тайёрлашни кенгайтириш керак.

Кундалик партиявий раҳбарлик — ҳунар-техника таълими соҳасидаги барча муваффақиятларнинг гаровидир, деб уқтиришди нотиқлар. Ҳунар-техника таълими органлари раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириш, кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини янада яхшилаш; билим юртлари бошлаётган партия ташкилотларининг активлигини, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқувчи ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда комсомолнинг ролини кучайтириш, ҳунар-техника таълими тармоғини кенгайтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиш — шулар ва бошқа тадбирлар ишни янги, янада юксак даражага кўтариш имконини беради.

Йиғилишда СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. А. Булгаков сўзга чиқди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, М. М. Мусаховов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири В. В. Мареев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

Республика партия-хўжалик активи йиғилиши муҳокама этилган масала юзасидан тегишли резолюция қабул қилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев номига табриконма қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Республика партия-хўжалик активи йиғилишининг резолюцияси газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарори

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА АҲОЛИСИ ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республика аҳолиси турмуш маданиятини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат Н. Ж. Худойбердиев докладини эшитиб ва муҳокама қилиб, шунинг чуқур мамнуният билан кайд этадики, республика меҳнаткашлари партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС XXVI съезди қарорларини, 1982 йил ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун зўр сиёсий активлик вазиятида ишламоқдалар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳаракат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистонда бўлиши ва республикага учинчи Ленин ордени топширилиши муносабати билан Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган ғоят сермазмун, сафарбар этувчи нутқи жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилари республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришда катта ютуқларга эришганлиги учун шу мукофот билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг кундалик ғамхўрлиги ва жуда катта ёрдами туфайли, халқ хўжалигини барқарор суръатлар билан илдам ривожлантириш асосида Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини, аҳоли турмуш маданиятини янада юксалтиришнинг кенг программаси планли суратда амалга оширилмоқда.

Ўтган икки беш йиллик мобайнида республикада аҳолининг реал даромадлари бир ярим баравар ўсди, ижтимоий истеъмол фондларидан берилаётган тўловлар ва имтиёзлар икки баравар кўпайди. Уй-жой-граждан қурилиши соҳасида катта-катта тадбирлар амалга оширилди, кўпгина шаҳарлар, аҳоли пунктлари, колхоз ва совхоз поселкаларининг қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

Шу даврнинг ўзида 52 миллион квадрат метрдан кўпроқ турар жой қурилди, ҳар йили 600 мингдан кўпроқ киши уй-жой шароитини яхшиламоқда. Коммунал ва социал-маданий объектлар қуриш соҳасида катта программа бажарилди. 1,5 миллион ўқувчига мўлжалланган янги мактаблар, 447 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 43 минг ўринли касалхоналар ишга туширилди. Шаҳарлар ва аҳоли пунктларини газлаштириш кенг қулоч ёзди, коммунал хизмат кўрсатишнинг канализация, марказлаштириб ичиш, ичиладиган сув билан таъминлаш сингари турларида туб ўзгаришлар юз берди. Пассажирлар учун авиация, темир йўл ва автомобиль транспортининг кўплаб янги маршрутлари очилди, автоматик алоқа воситаларининг қуввати бир ярим баравар кўпайди.

Учинчи беш йилликда давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборотининг ҳажми 43 процент, маиший хизматни реализация қилиш 1,8 баравар, шу жумладан қишлоқ жойларда қариб икки баравар ошди. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг прогрессив формалари кенг ёйила бошлади. Маиший хизмат халқ хўжалигининг йирик тармоғига айланиб, ҳозир унда 100 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи банд.

Соғлиқни сақлаш илгарига қараб катта қадам ташлади, медицина фани ва практикасининг энг янги ютуқлари тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Ихтисослаштирилган медицина ёрдами, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, физкультура ва спорт ҳар томонлама ривожланди. Янги санаторийлар, дам олиш уйлари ва зоналари, спорт иншоотлари очилди.

Ўзбекистон ССРда халқ зиёлиларининг кўп сонли кадрлари етишди, телевиденье ва радиоэшиттиришнинг қудратли базаси барпо этилди, театрлар, кутубхоналар, кинотеатрлар, музейларнинг кенг тармоғи ишлаб турибди. Меҳнат ва турмуш ижобий анъаналари янги тантанали маросимлар ва байрамлар республика ижтимоий ҳаётининг муҳим таркибий қисмига айланиб қолди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эришилган даража аҳолининг юксак талаб ва эҳтиёжларидан орқада қолаётганлигини ҳамда КПСС XXVI съезди талабларига тўла жавоб бермаётганлигини кўрсатиб ўтади.

Баъзи министрликлар, идоралар, халқ депутатлари Советлари, хўжалик органларининг ва жамоат ташкилотларининг, корхоналар, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари уй-жой, маданий-маиший шароитларни янада яхшилаш, яъни инсон фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилайдиган ҳамма нарсаларни янада яхшилаш соҳасидаги мавжуд имкониятлардан ҳали тўла фойдаланмаяптилар.

Амалга оширилган тадбирларга қарамай, аҳолини уй-жой ва коммунал хизматлар билан таъминлаш муҳим проблемаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Турар жойлар ва объектлар қурилиши учун ажратилаётган маблағларни тўла ўзлаштирмаслик ҳоллари мавжуд. Биргина ўйсозлик комбинатлари қувватларидан тўла фойдаланмаслик ҳисобига 400 минг квадрат метрга уй-жой кам берилмоқда. Уй-жой кооперациясини ривожлантиришга, индивидуал уй-жой қурилишини кенгайтиришга, шу-нингдек ишга туширилаётган объектларнинг сифатига ҳали етарли эътибор берилмаяпти. Тасдиқланган бош қурилиш планларидан четга чиқиш ҳоллари кўп.

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлашда жиддий камчиликлар мавжуд. У баъзан ўз вақтида ва сифатли ремонт қилинмайди, индустриал иш методлари етарли даражада қўлланилмайди, бу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан тўла фойдаланилмаяпти. Идораларга қарашли уй-жой фондини маҳаллий Советларга ўтказишни кўзда тутувчи қарорлар суст бажарилмоқда. Уй-жойларни ремонт қилиш ва улардан фойдаланиш эҳтиёжлари учун моддий-техника ресурслари етарли миқдорда ажратиб берилмаяпти.

Коммунал хўжалик ўсиб кетган талаблардан орқада қолмоқда. Айрим районларни ва аҳоли пунктларини яхши сув билан таъминлаш проблемаси кескинлигича қолмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария тозалиги тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаяпти: Турар жойларга иссиқлик, газ, электр энергияси етказиб беришдаги асоссиз узилишлар бартараф этилган эмас.

Совет савдоси қоидаларини бузиш фактлари, шунингдек аҳолига пассажир транспорти, алоқа воситалари билан хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиги меҳнаткашларнинг ҳаққоний эътироз ва шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Гарчи республикада маиший хизмат соҳаси ҳамма вақт кенгайиб бораётган бўлса-да, унинг даражаси ва сифати, айниқса қишлоқда аввалгидек аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Комплекс қабул пунктлари тармоғи секин ривожланмоқда. Маиший хизматни ривожлантиришда саноат корхоналари яхши иштирок этмаяптилар. Ҳар бир яшовчига ҳисоблаганда кўрсатилаётган маиший хизмат ҳажми паст бўлган қишлоқ районлари оз эмас.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишдаги жиддий камчиликларни бартараф этиш талаб қилинади. Бир қанча соғлиқни сақлаш муассасаларида даволашнинг юксак даражада бўлиши таъминланмаган, поликлиникалар ва амбулаториялар тармоғи секин ривожланиб бормоқда. Тез медицина ёрдами кўрсатиш ва санитария маорифи ҳамма жойда ҳам етарли даражада йўлга қўйилган эмас. Жуда бой табиий иқлим шароитлари ва имкониятларидан меҳнаткашларнинг дам олиши ва даволанишини ташкил этиш учун тўла-тўкис фойдаланилмаяпти.

Маданий-оқартув муассасаларининг фаолияти, айниқса қишлоқда ва аҳолининг истиқомат жойларида, ҳамма вақт ҳам унинг умумий билим даражасига, маданий савиясига ва эҳтиёжларига мос келавермайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари, жамоат ташкилотларининг, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнаткашлар моддий турмуш шароитини ва маданий даражасини оширишнинг КПСС XXVI съездида белгиланган социал программасини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ҳамда Тошкентда бўлган вақтида сўзларан нутқларида баён этилган йўл-йўриқларини изчиллик билан бажаришдан иборат деб ҳисоблансин. Шу мақсадда республика аҳолисининг турмуш маданиятини янада тубдан оширишга қаратилган кенг кўламдаги тадбирларнинг бажарилишини таъминлаб, юқори унум билан меҳнат қилиш, одамларнинг дам олиши, уларга хизмат кўрсатиш барча турларининг даражасини ва маданиятини ошириш учун янада қулай шароит яратилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари зиммасига:

Уй-жой ва маданий-маиший қурилишга раҳбарлик қилишни яхшилаш, маблағларнинг тўла ўзлаштирилишини ҳамда турар жойлар, коммунал хизмат, медицина, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш;

Иқтисодий ва социал ривожланиш йиллик планларини ишлаб чиқиш вақтида уй-жой ва маданий-маиший қурилишни янада кучайтириш, коммунал хўжалиги ва барча маиший хизмат турларини ривожлантириш эҳтиёжлари учун зарур моддий маблағлар ва моддий ресурслар ажратиб беришларини назарда тутиш;

Уй-жой фондидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда унинг сақланишини таъминлаш, уй-жой, эксплуатация ва ремонт-қурилиш ташкилотлари, моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасини янада мустаҳкамлаш, уларни ихтисослаштириш учун қўшимча чоралар кўриш;

Идораларга қарашли уй-жой фондини аста-секин халқ депутатлари маҳаллий Советларига топириш билан боғлиқ зарур тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Шаҳарлар, район марказлари, микрорайонлар, поселкалар комплекс қурилишини таъминлаш, савдо, соғлиқни сақлаш объектлари, мактаблар, болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилиши ишлаб чиқариш объектлари қурилишидан орқада колишига йўл қўймаслик вазифалари юклатилсин.

«Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Қишлоқ қурилиши министрликлари, Сув хўжалиги давлат комитети янги суғориладиган ерларнинг комплекс ўзлаштирилиши бузилишига йўл қўймасинлар, чўлқуварлар учун нормал маиший шароитлар яратиб берилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Главташкентстрой», Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети барча уйсозлик комбинатлари ишини тубдан яхшиласинлар ҳамда уй-жой қурилишини кенгайтириш учун уларнинг ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига аҳолини ичимлик сув, канализация билан таъминлашни яхшилаш, шаҳарлар, район марказлари ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш топширилсин.

5. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги зиммасига аҳолини электр билан узлуксиз таъминлаш устидан контроллиқни кучайтириш топширилсин.

6. Ўзбекистон ССР Госстройи шаҳарлар, район марказлари, поселкаларини қуришда бош планларга қатъий амал қилишни таъминласин.

7. Ўрта Осиё темир йўли, Ўзбекистон ССР Граждан авиацияси бошқармаларига, Автомобиль транспорти министрлигига пассажир транспорти барча турларини янада ривожлантириш ҳамда шаҳарлар ва аҳоли пунктларига хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш масалаларини қараб чиқиш, бу ишдаги камчиликларни бартараф этиш топширилсин.

8. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, халқ депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига аҳолига савдо хизмати кўрсатишни анча яхшилаш, мавжуд товар ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш учун қўшимча ресурсларни қидириб топишга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга эришиш, ишчилар, хизматчилар, колхозчилар ва ўқувчиларнинг ишлаш ҳамда ўқиш жойида умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш вазифаси юклатилсин.

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларида магазинлар ҳамда ошхоналарнинг тўғри жойлаштирилиши таъминлансин, бунда шаҳар чеккалари, поселкалар, узоқ қишлоқлар ва яйловлар аҳолисига нормал савдо хизмати кўрсатиш назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, халқ депутатлари Советлари зиммасига ўн биринчи беш йилликда аҳолига маиший хизматлар реализация қилиш ҳажмини умуман республика бўйича камида 1,6 баравар кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш, бунда қолоқ районларда маиший хизмат ҳажмининг илдам суръатлар билан ўсишини таъминлаш ҳисобига қишлоқ аҳолиси билан шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш даражасининг яқинлашувига қаратилган ишларни кучайтириш вазифаси юклатилсин. 1982—1985 йилларда корхоналар, совхозлар, колхозлар кучи билан уларнинг ўз маблағлари ҳисобига замонавий комплекс қабул пунктлари ҳамда бошқа маиший хизмат объектлари қуришда уларнинг кенг иштирок этишига актив ёрдам берилсин.

10. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги автомат телефон станциялари тармоқлари янада ривожлантирилишини таъминласин, аҳолини рангли телевидение ва стереофоник радиоэшиттириш билан қамраб олишни кенгайтирсин ва уларнинг сифатини яхшиласин, аҳолига почта, телеграф ва телефон алоқаси билан хизмат кўрсатишни яхшиласин.

11. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари зиммасига аҳолига медицина хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, йирик корхоналар ва қурилишларда медицина-санитария қисмларини ҳамда профилакторийлар тармоғини кенгайтириш, турар жой микрорайонларида поликлиникаларнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда иш ва ўқиш жойида соғлиқни сақлаш пунктлари очиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

Аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилишни яхшилаш учун соғлиқни сақлаш муассасалари, дам олиш уйлари ва шаҳардан ташқари зоналар, пионер лагерлари, спорт базалари тармоғини ривожлантириш юзасидан қўшимча чоралар амалга оширилсин.

12. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Кинематография, Телевидение ва радиоэшиттириш, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетлари зиммасига аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишига раҳбарликни яхшилаш, уни КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори талаблари даражасига кўтариш, театрлар, концерт ташкилотлари, клублар, маданият уйлари, кутубхоналар, нашриётлар, матбуот ишини янада активлаштириш вазифаси юклатилсин.

Маданий-оқартув муассасаларининг бутун фаолияти КПСС XXVI съезди қарорларини чуқур тушунтиришга, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни совет халқининг революцион ва меҳнат анъаналари асосида, социалистик Ватанга, СССР халқларининг буюк қардошлигига чексиз садоқат руҳида, пролетар интернационализми, меҳнатга коммунистик муносабат ҳамда социалистик ахлоқнинг юксак принципларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга қаратилмоғи керак.

13. Ўзбекистон ССР Госплани министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети билан биргаликда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрлашни янада кенгайтириш ва яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин.

14. Олий Совет Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг алоҳида эътиборини шунга қаратадики, аҳолининг моддий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришнинг амалий вазифаларини ҳал қилишда уларнинг роли ва масъулияти ҳозир мислсиз даражада ўсган. Меҳнаткашларнинг турмуш маданияти масалалари Советлар ва улар ижроия органларининг ишида марказий ўрин тутмоғи керак, чунки уларнинг фаолияти меҳнаткашлар томонидан биринчи навбатда ана шу иш натижаларига — уй-жой қурилиши қандай бораётганлигига, товарлар билан таъминлашнинг аҳволига, клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар ишининг мазмунига, аҳолига медицина, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш даражасига қараб баҳоланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишини ташкил этар эканлар, жамоатчиликнинг кенг доираларига таянишлари ва аҳолининг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотлар ва корхоналар фаолияти жамоатчиликнинг кундалик контроли остида бўлишига эришишлари, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан жамоатчилик илгари сураётган масалаларни ўз вақтида ҳал қилишлари, халққа маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришлари керак.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети республика, маҳаллий, совет ва хўжалик ташкилотлари жамоатчиликнинг кенг доираларига таяниб, яқин вақт ичида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни КПСС XXVI съезди қарорларида белгиланган даражага кўтарадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

1982 йил 27 апрель,
Тошкент шаҳри.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри А. К. Шаҳул Ҳамидни 27 апрель куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат чоғида СССР — Ланка муносабатлари ўзининг чорак асрлик тарихи давомида ҳамиша дўстона руҳда бўлганлиги ва тинчтотув яшаш, ўзаро ҳамкорлик принциплари асосида турли соҳаларда барқарор ривожланаётганлиги уқтириб ўтилди.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев ва Шри-Ланка Президенти Ж. Жаявардене шу йилнинг бошида бир-бирларига юборган мактублар руҳида бундан кейин ҳам Совет Иттифоқи билан Ланка халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидан борилади, деб таъкидлаб ўтилди.

Халқаро масалалар тўғрисида фикрлашиб олиш вақтида халқаро кескинликни юмшатиш, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва тинчликни мустаҳкамлаш каби масалаларни ҳал этиш халқаро ишларда Совет—Ланка ҳамкорлигини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Халқаро вазиятни соғломлаштириш. Осиёда ва бошқа районларда кескинлик ўчоқларини тугатиш манфаатлари йўлида барча тинчликсевар кучларнинг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклиф ҳам шу мақсадга мувофиқдир. Шри Ланка шу таклифнинг ташаббускорларидан биридир.

Суҳбат ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри А. К. Шаҳул Ҳамид расмий визит билан 27 апрель куни Москвага келди.

Шу куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан А. К. Ш. Ҳамид ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Министрлар дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида Совет — Ланка ўзаро муносабатларига доир масалалар ва бошқа бир қанча муҳим халқаро проблемалар тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Совет Иттифоқи билан Шри Ланка ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида тинч-тотув яшаш принциплари асосида барқарор ривожланаётганлиги мамнуният билан уқтириб ўтилди.

А. А. Громико билан А. К. Ш. Ҳамид халқаро вазиятнинг жиддий кескинлашганлигидан, дунёнинг турли районларида хатарли кескинлик кучайганлигидан ташвишланганликларини билдирдилар.

СССР ташқи ишлар министри Л. И. Брежневнинг жаҳонда, шу жумладан Осиёда уруш хавфини бартараф этишга ва кескинликни юмшатишга қаратилган янги ташаббусларига алоҳида эътиборни жалб этди. Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш ғояси-нинг доимий тарафдори бўлган Совет Иттифоқи шу мақсадга эришиш учун, Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, барча тинчликсевар давлатлар ва халқларнинг, барча демократик жамоат кучларининг актив ва жўшқин ҳаракати керак, деб ҳисоблайди. Бу ишда қўшилмаган давлатлар ҳаракати муҳим роль ўйнаши мумкин.

А. А. Громико А. К. Ш. Ҳамид шарафига нонушта зиёфат берди. Зиёфатда дўстона қадаҳлар кўтарилди.

Музокаралар кунининг иккинчи ярмида давом эттирилди.

(ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

ВИСТАВКАНИ БОРИБ КЎРИШДИ

Тошкентда очилган техника ижодкорлиги кўргазмасига Ўзбекистон ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ясаган станок, машина ва приборларнинг 250 дан кўпроқ ишлаб турган моделлари қўйилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, СССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. А. Булгаков, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири В. В. Мареев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари 28 апрель куни виставкани бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ДЕПУТАТ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат А. П. ВОЛОДАРСКИЙ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Республикада сўнгги беш йил давомида комсомол-ёшлар бригадаларининг сони уч баравар кўпайди. Ана шу бригадаларга аъзо бўлган йигит ва қизларнинг 98 проценти коммунистик меҳнат ҳаракатида қатнашмоқда, ҳар икки кишидан бири меҳнат зарбдори номини олишга сазовор бўлди, кўпгина ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида, техникумлар, мактаблар, ҳунар таълими, сиёсий ва иқтисодий таълим соҳасида ўқимоқдалар.

Комсомол ташкилотлари ўрток Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига амал қилиб, аҳолига кизмат кўрсатиш юксак маданияти учун курашда ёшлар бўлинмаларининг тармоқлараро ҳамкорлигини ривожлантирмоқдалар. Енгил саноатда ва савдо-сотиқда бу кураш «Аъло даражада бажарилди — аъло даражада сотилди!» шиори остида олиб борилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги «Гунча» болалар кийимлари фабрикаси ва Тошкент шаҳридаги «Болалар дунёси» магазини, Кўқон шаҳридаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси ва универсал магазин, Тошкентдаги «Қизил тонг» бирлашмаси ва республика пойтахтидаги Фрунзе савдо маркази бригадалари ўзаро масъулият ва талабчанлик билан ишлямоқдалар.

Бироқ ҳали бизда каттакатта резервлар мавжуд. Статистика халк хўжалигининг етакчи тармоқларида комсомол-ёшлар бригадалари меҳнаткаш ёшларнинг 15 процентдан 20 процентга қадарини бирлаштиргалигини кўрсатиб турибди. Биз министрликлар ва идоралардан ёшлар бўлинмаларини иқтисодий ва тарбиявий вазифаларга мувофиқ тузиш имкониятини ўрганиб чиқишни сўраймиз.

Ўзбекистонда республика комсомоли Марказий Комитети 8 йил давомида министрликлар, жамоат ташкилотлари ва иқтидорли союзлар билан биргаликда йигит ва қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан қабул қилган комплекс планлар асосида ёшлар орасида социал жараёнларни бошқаришнинг муайян системаси таркиб топди.

Бироқ Тошкент шаҳридаги корхоналарни социал ривожлантириш комплекс планлари ўрганиб чиқилганда, улардан олтитасидагина ёшларга бағишланган бўлимлар борлиги аниқланди. Колхоз ва совхозларда ҳам бу соҳада анчагина фойдаланилмаётган имкониятлар бор.

Ҳозирги кунда кичик шаҳарлар ва улар атрофидаги қишлоқ районларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини белгилаш чоғида меҳнаткаш ёшларнинг социал, маданий, маиший эҳтиёжларига кўпроқ эътибор бериш зарур, деб ўйлаймиз.

Бизда шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам маданий-маърифий ва спорт ишларини ривожлантириш учун бой имкониятлар вужудга келтирилди. Юзлаб клублар, кутубхоналар, киноустановкалар, стадионлар ёшларга хизмат кўрсатмоқда. Лекин биз улардан ҳамиша ҳам самарали фойдаланяпмизми?

Биз маданият муассасаси атрофида мустаҳкам активни вужудга келтиришни ўзимизнинг асосий вазифамиз, деб биламиз. Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети жамоат ташкилотлари билан биргаликда бу соҳаси яхши тажриба тўплади. Шаҳарда 16 мингдан ортиқ бола ва ўсмир ташкилий хордиқнинг барча турларига жалб этилган, 6 та ўсмирлар клуби микрорайонларда иш олиб борди марказига айланди. Ишчи ёшлар ва студентлардан тузилган комсомол педагогика отрядларининг аъзолари тўгараклар ва спорт секцияларида жамоатчилик асосида раҳбарлик қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар иши билан шуғулланувчи комиссияси маъқуллаган бу қимматли тажрибани биз зўр ғайрат билан оммалаштирамиз.

Ёшларнинг ётоқхоналарига, зарбдор комсомол қурилишларидаги, кўрик ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги йигит ва қизларнинг турмуш шароитига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Ўзбекистон комсомоллари жонажон ўлкамизни янада бой ва гўзал қилишга, йигит ва қизларни Улуғ Октябрь Ватанининг юксак ғоявий, билимдон, маданиятли гражданлари қилиб тарбиялашни ўзининг ватанпарварлик бурчи, деб ҳисоблайди. **(Қарсаклар).**

Депутат М. К. КАРИМОВ нутқи

СИРДАРЁ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Районимиз партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари партия XXVI съезди карорларини бажара бориб, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлик даражасини оширдилар. Бу соҳада аҳолининг турмуш маданиятини ошириш кенгаши катта иш қилмоқда.

1981 йилда районда ўн минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой, 1934 ўринли мактаблар, 420 ўринли мактабгача тарбия муассасалари фойдаланиш учун топширилди, 64 оила ҳамма қулайликларга эга бўлган шинам квартира олди, 400 ўринли маданият саройи ишга туширилай деб турибди, 7 та уй-жой қуриш кооперативи тузилди.

Ҳозирги вактда районда хутор системаси батамом тугатилди, янги посёлкалар комплекс равишда қурилмоқда, уларда мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат комбинати, медицина муассасалари бўлиши ноила тусига киритилди. Посёлкаларда типовой кўркам, атрофи ободонлаштирилган иморатлар қад кўтарди, уларда зарур қулайликларнинг ҳаммаси мухайё.

Районда мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш проблемасига, улардаги тарбиявий ишни яхшилашга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, медицина хизматини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилган.

Ҳар бир мактабгача тарбия муассасасида болаларнинг ҳар томонлама ўйғун камол топиши учун зарур бўлган ҳамма шароит яратилишига сабот билан интиляпмиз, музыка ҳоналари, спорт заллари ва майдончалари очмоқдамиз. Мураббияларнинг кўпчилиги ўрта ва олий маълумотли кишилардир.

Район аҳолисининг турмуш маданияти ошганлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Янги китоб магазинлари, маиший хизмат уйи, шаҳар ва қишлоқлардаги хонадонларнинг газ билан таъминланганлиги, замонавий мебель, телевизорлар, радиоприёмникларга талаб ўсиб бораётганлиги шулар жумласига киради. Ниҳоят янги урф-одатлар, маросимлар меҳнатчиларнинг маънавий турмушида тобора мустаҳкам ўрин олмоқда. Меҳнат билан турмушни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Одамлар тўғрисидаги уларнинг ахтиёжларини қондириш, турмуш маданиятини ошириш ҳақидаги ғамхўрлик халқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Турмуш маданиятини ошириш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш учун маблағ ва материал ажратилиши билан, амалий ёрдам берилиши билан боғлиқ бўлган бир канча масалаларни ҳал этиш керак бўлади. Замонавий типовой касалхона, туруғхона қурилиши жадаллаштирилиши лозим. Бу ишда биз «Узколхозстрой» давлат — кооператив бирлашмасининг ёрдамидан умидвормиз.

Район, коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўрток Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVII съездида ва Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида баён этилган кўрсатма ва тавсияларни бажариш учун актив иш бошлаб юборишдилар, улар КПСС XXVI съезди тарихий карорларини, 1982 йил ташкилотлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришга ўз ҳиссаларини ўлуғ ишга кўпайтирибередилар. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар. **(Қарсаклар).**

Депутат А. М. ХУДОЙБЕРГАНОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлашида олга қараб катта қадам қўйилди. Янги касалхона ва поликлиникалар, санитария-эпидемиология станциялари ишга туширилди, улар замонавий аппаратлар ва техника билан жиҳозланди. Соғлиқни сақлашни иқтисодий ва социал ривожлантириш ўнинчи беш йиллик планлари тўла-тўкис бажарилди.

Ҳозирги вактда республикамизнинг энг олис қишлоқларида яшовчиларнинг ҳам ҳар бири ихтисослашган медицина ёрдами олиши мумкин. Қишлоқ участка касалхоналарида 13 ихтисос бўйича ва марказий район касалхоналарида 19—20 ихтисос бўйича ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда.

Қишлоқ аҳолисига амбулатория-поликлиника хизматининг илгор формалари кенг ривож топди. Бундай хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш мақсадида қишлоқлардаги даволаш амбулаторияларининг тармоқлари учдан бир баравар кўпайтирилди, айниқса аҳолиси кам бўлган олис районларда кўчма даволаш амбулаторилари ва тиш даволаш кабинетлари, аёллар ва болалар консультациялари фаолияти кўлами кенгайтирилмоқда.

Республикамиз мамлакатда биринчи бўлиб оналар ва болалар учун касалхоналар, бемор болаларни парвариш қилиш учун болалар стационарларида бўлган оналар учун терапия бўлимлари ташкил қилди. Бўларда ҳар йили 200 мингга яқин она шифо топмоқда. Республикадаги фельдшерлик-акушерлик пунктларида болаларни кузатиб турувчи медицина ҳамширалари қўшимча штатининг жорий этилиши биринчи соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳозирги вактда тўққизта ихтисослаштирилган она ва бола касалхоналари ишлаб турибди, янги даволаш муассасалари қурилмоқда.

Ленин номли колхозимиз меҳнаткашлари муайян муваффақиятларни қўлга киритилар. Колхозда 1000 ўринли маданият саройи бунёд этилди. Касалхона, 6 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 6 та мактаб ва дорихона, кўплаб магазинлар, умумий овкатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишлаб турибди. Мавжуд 6 та болалар боғча ва ясли ларида 650 кичкинтой ёки мактабгача ёшдаги ҳамма болаларнинг ярми тарбияланмоқда. Кўпгина деҳконлар учун иккинчи уйи бўлиб қолган дала шийпонларида ҳам яхши шарт-шароит яратилган.

Қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрлари тайёрлашга эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили колхоз стипендиати бўлган йигит ва қизларни олий ўқув юртларига ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборишмўлжалланмоқда.

Биз мана шу барча ишларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати томонидан берилаётган ёрдамни доимо ҳис этиб турибмиз.

Муваффақиятлар билан бирга баъзи нуқсонлар ва камчиликлар ҳам мавжуд. Областдаги 265 та аҳоли пунктида мунтазам ишлайдиган киноустановкалар, 245 та қишлоқда эса клуб ва кутубхоналар йўқ.

Фарғона области меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Советига вақда беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат А. ЮСУПОВ нутқи

ХОНҚА РАЙОНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ РАИСИ

Бизнинг колхозимиз элита хўжалиги ҳисобланади, унинг далаларида пахтанинг янги навлари етиштирилади. Колхозчиларимиз ҳар дақиқанинг қадрига етиб, кузги — қишки ва кўкламги ишларни ўз вақтида ва энг яхши муддатларда ўтказмоқдалар, шу туфайли колхоз бир неча йиллардан бери пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажармоқда. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпаймоқда. Натижада колхоз ўтган йилнинг ўзида 7 миллион сўм даромад олди.

Даромадларнинг улушсиз кўпайиши колхозчиларнинг турмуш маданияти ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

Бир вақтлар жуда қолоқ бўлган қишлоғимизда эндиликда тўртта ўн йиллик мактаб, ҳунар-техника билим юрти бор. Иккита типовой ҳаммом, бешта медицина пункти, тўртта доимий болалар боғчаси, ўнта магазин, 26 та дала шийпони қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилмоқда. Футболчиларимиз мамлакат чемпионатида иккинчи лига командалари ўртасида қатнашмоқдалар. Доимий ва тўртта кўчма киноустановка бор.

Колхозимиз территорияси да хўжалик юритишнинг хутор системаси аллақачон тугатилган. Ҳамма оилалар янгидан замонавий посёлкаларда яшаб туришибди, уларнинг кўча ва йўлкалари асфальтланган. Шу кунларда колхозда канализация тармоғи ўтказилмоқда, ҳамма қулайликлар мухайё қилинган экспериментал поселка жадал суръатлар билан қурилмоқда. Барча қишлоқ меҳнаткашларининг хонадонларида радиоприёмник, телевизор, электр нури, водопровод ва табиий газ бор. Колхозчилардан 500 га яқин киши енгил автомашина, қолганлари эса кажавали мотоцикл сотиб олганлар.

Маданият саройи, 12 та қишлоқ кутубхонаси колхоздаги оммавий агитация марказидир. Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган 350 ҳамқишлоқ хотирасига монумент ўрнатилган.

Колхозимизда турмуш маданиятини ошириш юзасидан қилинган ишларнинг ҳаммаси социалистик турмуш тарзининг самараларидир. Мана шуларнинг ҳаммаси шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар камайиб бораётганидан далолат беради, деб айтсак хато бўлмайди.

Колхозимизнинг дала меҳнатчилари янги хўжалик йилини комил ишонч билан бошладилар. Гўшт, сут ва тухум топшириш планлари ошириб бажарилди. Чигит экишни 20 апрелдаёқ тугаладик. Чигит ва маккажўхори бир текис ва дуркун униб чиқди.

Биз ўн биринчи беш йиллик вазифаларини амалга ошира бориб, аҳолининг турмуш маданиятини янада ўстириш ишини бундан буён ҳам тинимсиз давом эттиравермиз ва СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб оламиз. **(Қарсаклар).**

Депутат Б. ОМОНОВ нутқи

САРИОСИЕ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» ТЕРРИТОРИАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БОШ ДИРЕКТОРИ

Хўжалигимиз ходимларга яхши дам олиш ва сиҳат-саломатликни мустаҳкамлаш учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилиб қўйилган. Совхоз марказида 5000 ўринли типовой стадион қурилган, маданият ва истироҳат боғи, меҳнат шуҳрати музейи, маданият саройи бор, даволаш ва мактабгача тарбия муассасалари мавжуд. Ҳамма бўлимларда клублар, кутубхоналар, спорт майдончалари, мактабгача тарбия муассасалари ишлаб турибди.

Одамларимиз яхши меҳнат қилмоқдалар, улар ҳар қандай қийинчиликларни бартараф этишга қодирдирлар, чунки Коммунистик партия уларнинг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мана шу ғамхўрлигини жуда яхши сезиб турибмиз.

Ўтган йил июнида сел келиб, бизнинг бирлашмамизга катта зарар етказди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукумати бизга ёрдам бериш учун эзлик билан чора кўрдилар, тоғларга уй-жойлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари вертолетларда узлуксиз етказиб берилишини таъминладилар.

Депутат К. Й. ОХУНБОБОЕВ нутқи

ОХУНБОБОЕВ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ РАИСИ

Аҳолини уй-жой билан таъминлашда кооператив хўжалиги катта роль ўйнамоқда. Фарғона областимизнинг барча шаҳарлари ва районларида уй-жой қурилиши кооперативлари ташкил этилган. Ўнинчи беш йиллик мобайнида улар 102 минг квадрат метр уй-жой қуриб бердилар. Шу беш йилликда кооператив уй-жой қурилиши ҳажми 130 минг квадрат метрга етказилади.

Аҳоли пунктларини газлаштириш, водопроводлар ва йўллар қуриш, телефонлаштириш такомиллаштирилади ва ривожлантирилади. Областимизда маданий-маърифий ишлар кенг амалга оширилмоқда. Юзлаб клублар ва маданият саройлари, кутубхоналар, театр ва музейлар, маданият ва истироҳат боғлари меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Комплекслар сони ошиб, кино хизмати яхшиланмоқда. Физкультура ва спортнинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда. Физкультура ва спорт тобора оммавийлашмоқда.

Болали аёллар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Ҳозирги вактда тўққизта ихтисослаштирилган она ва бола касалхоналари ишлаб турибди, янги даволаш муассасалари қурилмоқда.

Ленин номли колхозимиз меҳнаткашлари муайян муваффақиятларни қўлга киритилар. Колхозда 1000 ўринли маданият саройи бунёд этилди. Касалхона, 6 та фельдшерлик-акушерлик пункти, 6 та мактаб ва дорихона, кўплаб магазинлар, умумий овкатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ишлаб турибди. Мавжуд 6 та болалар боғча ва яслиларида 650 кичкинтой ёки мактабгача ёшдаги ҳамма болаларнинг ярми тарбияланмоқда. Кўпгина деҳконлар учун иккинчи уйи бўлиб қолган дала шийпонларида ҳам яхши шарт-шароит яратилган.

Қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрлари тайёрлашга эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили колхоз стипендиати бўлган йигит ва қизларни олий ўқув юртларига ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборишмўлжалланмоқда.

Биз мана шу барча ишларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати томонидан берилаётган ёрдамни доимо ҳис этиб турибмиз.

Муваффақиятлар билан бирга баъзи нуқсонлар ва камчиликлар ҳам мавжуд. Областдаги 265 та аҳоли пунктида мунтазам ишлайдиган киноустановкалар, 245 та қишлоқда эса клуб ва кутубхоналар йўқ.

Фарғона области меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Советига вақда беришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

Депутат А. АБДУЛЛАЕВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР КИНЕМАТОГРАФИЯ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгаши республика меҳнатчиларининг турмуши ва фаолиятини социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан қайта қуриш вазифаларини ҳал этмоқдалар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўлиш системасини такомиллаштиришнинг, унинг моддий базасини мустаҳкамлашнинг туб масалаларини кўриб чиқмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили мобайнида К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси 60 тадан кўпроқ тўла метражли фильм чиқарди, совет кино санъатининг тўрт юзга яқин энг яхши асари ўзбек ва қорақалпоқ тилларига дубляж қилинди. Турмуш маданиятига, ёшларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш масалаларига, аҳолига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган проблемаларга катта эътибор берилаётган республика саноат корхоналарида энг яхши хўжаликларида орттирилган қимматли тажрибани пропаганда қилиш ҳужжатли кино усталари кўтарган мавзуларнинг бир қисми, холос. Кейинги олти йил ичида улар уч юз олтмиштадан кўпроқ фильм яратдилар.

Сўнгги йилларда республикада кино ишлаб чиқаришнинг, кино тармоғи ва кинопрокат системасининг моддий ҳамда техникавий базаси анча мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда барча область марказларида кенг форматли кинотеатрлар бор.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида СССР Давлат банки ссудалари ҳисобигагина 128 та кинотеатр қурилиши лозим. Яқин икки-уч йилда республиканинг деярли ҳамма қўрик районларида қишки ва ёзги кинотеатрлар қурилади. Биз кинотеатрлар қурилиши билан шуғулланувчи министрликлар ва идоралардан бу масалага кўпроқ эътибор беришларини сўраймиз. Шунингдек, республика Госплани ва Госснабидан қўшимча топшириққа биноан қурилаётган кинотеатрлар учун тўла ҳажмдаги моддий ресурсларни ҳар йили ажратиб беришларини, СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасидан эса кинотеатрлар қурилишини кредитлаш учун ажратилиган лимитларни ўз вақтида ва иш манфаатлари йўлида кўриб чиқишини илтимос қиламиз.

Республикада ихтисослаштирилган болалар ва мактаб кинотеатрлари кенг тармоғи вужудга келтирилди, шунинг натижасида ўнинчи беш йилликда 152 миллион бола кино кўрди, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида эса кино кўрган болалар сони 34 миллионга ёки ҳамма томошабинларнинг 23 процентига етди.

Ҳозир бизнинг ҳаммамиз Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VII халқаро кинофестивалига фаол тайёргарлик кўряпмиз, бу кинофестиваль мамлакатнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлади, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишга хизмат қилади.

Совет давлати тарихидаги шонли сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига актив ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳамма жойда социалистик мусобақани авж олдириб юборган Ўзбекистон кинематографиячилари ҳам шу умумхалқ байрамини меҳнатда янги муваффақиятлар, ижодий ютуқлар билан нишонлашга интилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САНОАТ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

Комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат И. Г. АНИСИМКИН доклади

Депутат ўртоқлар! Совет халқи КПСС XXVI съезди тарихий карорларини сабот ва собитқадамлик билан турмушга татбиқ этмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари халқнинг шонли муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Шу кунларда республиканинг барча меҳнаткашлари тарихий воқеа — Ўзбекистон ССРга учинчи Ленин ордени топширилиши таассуроти остида яшаб, ишлаб турибдилар. Бу воқеанинг алоҳида, такрорланмас аҳамияти шундан иборатки, Ватаннинг олий мукофотини республикага замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби, Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва халқ бахт-саодати учун изчил курашчи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежнев топширди.

Леонид Ильич Брежневнинг тантанали мажлисдаги илҳомбахш нутқи, унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги, меҳнат коллективларидаги учрашувлари, Ўзбекистонда бўлган вақтида берган маслаҳатлари ва тавсиялари барча меҳнаткашларни партиянинг улуғвор режаларини амалга оширишда янги, янада катта муваффақиятларга эришишга рухлантирмоқда.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати янада жўш урган вазиятда кутиб олмоқдалар.

Бутуниттифоқ мусобақасида эришган юксак натижалари учун ҳамда 1981 йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планини муваффақиятли бажарганлиги учун республикамиз сурункасига тўқкизинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Индустрия ходимлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Биринчи квартал плани муддатидан илгари бажарилди. Плондан ташқари 100 миллион сўмликдан эшиб маҳсулот реализация қилинди, ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, меҳнат унумдорлиги ошди.

КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладида уқтириб ўтилганидек, Советлар иқтисодий ва социал тараққиётнинг комплекс характерини таъминлашга тобора кўпроқ ҳисса қўшмоқдалар. Советлар ўзларига қарашли территорияда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг ишини тобора фаолроқ уйғунлаштирмоқдалар ва контрол қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети маҳаллий Советларнинг фаолиятидаги худди ана шу йўналишни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети саноат доимий комиссиясининг иши тўғрисида бугун берилаётган ҳисобот бунинг яққол тасдиғидир.

Республика Олий Советининг саноат доимий комиссияси тасдиқланган планга мувофиқ ишламоқда. Комиссиянинг иши КПСС XXVI съезди карорларида совет экономикаси олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг съезддаги, КПСС Марказий Комитети Пленумларидаги, шунингдек СССР Олий Совети сессиялари ва унинг Президиумя мажлисларидаги нутқларида баён этилган маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Социалистик демократияни ҳар томонлама ривожлантириш, советларнинг ролини кучайтириш, уларнинг бошқа жамоат ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиши асосидагина социал, иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги катта вазифаларни амалга ошириш мумкинлигини КПСС Марказий Комитети тинимсиз таъкидлаб келмоқда. Бу гап СССР касаба союзларининг XVII съездида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Съезда Советлар билан касаба союзлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳамма поғоналарда, шу жумладан олий поғонада ҳам мустаҳкамлаш кераклиги уқтирилди.

КПСС XXVI съезди: «Экономика тежамли бўлиши керак» деган шиорни ўртага ташлади. Шу кўрсатма асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, иқтисод режимини ва тежамкорликни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш планларини сўзсиз бажариш ва маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари доимо саноат комиссиясининг диққат марказида турибди.

Юқорида I кварталдаги иш якунлари тўғрисида гапириб ўтилди. Бироқ, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Тошкентдаги тантаналарда берган кўрсатмалари асосида шу якунлар таҳлил этиладиган бўлса, саноат ишида ҳали катта резервлар борлигини айтиб ўтишга тўғри келади.

Баъзи тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан старли фойдаланилмаяпти, айрим корхоналар зарур номенклатура ва меҳнат унумдорлиги юзасидан белгиланган планни бажармаяптилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кечаги пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладида саноат ишидаги камчиликлар ҳамда зудлик билан ишлаб чиқаришга жалб этилиши зарур бўлган резервлар яққол кўрсатиб берилди.

I кварталда талайгина корхоналар меҳнат унумдорлиги юзасидан, товар маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган планни бажармаганига, бу кўрсаткичларни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан пасайтириб юборганига тоқат қилиб бўладими, ахир, ўртоқлар. Шунинг оқибатида республика халқ хўжалиги анчагина миқдордаги маҳсулотни ололмади.

Биз ишларнинг аҳволини тезлик билан тузатиб олишимиз зарур. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ҳамда саноат ишлаб чиқаришини 6—7 процент ўстиришни таъминлаш учун ҳар бир бригада, смена, цех, завод, фабрика сменалик, кундалик, ойлик планларини ва социалистик мажбуриятларни тўла ҳамда ошириб бажариши керак.

Бу вазифаларни ҳал этишда министрликлар, идоралар, бирлашмаларнинг, жойлардаги партия ва совет органларининг роли катта. Ҳар бир меҳнат коллективининг аҳволидан хабардор бўлиб, унинг эҳтиёжлари ва муаммоларини билиб туриш, унга ўз вақтида ёрдам бера билиш — жанговар ҳаракат программасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат доимий комиссияси министрликлар, идоралар, айрим корхоналарнинг ишини кўриб чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш масалаларига биринчи даражали аҳамият бермоқда.

Чунончи, доимий комиссиянинг мажлисида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг ўнинчи беш йилликда ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришга доир иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Қилинган ижобий ишлар билан бирга шу министрликнинг тўқимачилик, ипакчилик, трикотаж тармоқларида янги серунум машина-ускуналар узоқ вақтдан бери лойиҳадаги имкониятларидан паст даражада ишлатилаётганлиги уқтириб ўтилди.

Министрликнинг бир қанча корхоналарида меҳнат ва турмуш шароитлари қонқарсиз эканлиги оқибатида кадрларнинг қўнимсизлиги ҳали ҳам юксак бўлишига йўл қўйилмоқда. Меҳнат ва турмуш шароитларини ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар сабабли Тошкент, Бухоро тўқимачилик, Хива гилам комбинатлари, Поп нотўқима материаллар фабрикаси бир меъёрда ишламаяпти.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ САНОАТ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

(Бошқ иккинчи бетда).

Комиссия министрлик шаънига ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ҳамма камчиликларни очиб ташлашга қаратилган бир қанча тавсияларни айтди ҳамда меҳнат интизомини ошириш, қувватлардан яхшироқ фойдаланиш тадбирлари комплексини рўёбга чиқаришни таклиф қилди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасига алоҳида эътибор бериш тавсия этилди, бу форма шу беш йилликда ғоят кенг миқёсда оммалаштирилиши лозим.

Шу сабабли бригада хўжалик ҳисобини янада жорий этиш, уни меҳнатни ташкил қилишнинг ва қўйи ишлаб чиқариш бўғинларини бошқариш системаси сифатида қарор топтириш жойлардаги партия комитетлари ва совет органларининг доимий назорати остида бўлиши керак.

Меҳнат унумдорлигини ҳамма жойда анча миқдорда ошириш ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсатининг туб масаласидир.

Умуман, республика саноатида министрликлар, идоралар ва бирлашмаларнинг кўпчилик корхоналари меҳнат унумдорлигини ўтган йилга нисбатан ошдирди. Бироқ, бу ишда ҳам ҳали фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар бор. Фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлигини ўстиришга белгиловчи даражада таъсир ўтказади.

Бултур комиссия мажлисида республика Пахта тозалаш саноати министрлигининг техника тараққиёти планларини бажариш ҳамда янги машина-ускуналардан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботи муҳокама қилинди.

Текшириш натижасида республика Пахта тозалаш саноати корхоналарида янги техникани, илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаётганлиги маълум бўлди. Бу эса тармоқда меҳнат унумдорлигини ўстиришга салбий таъсир қилмоқда, исрофгарчиликни кўпайтирмоқда, маҳсулот сифатини пасайтирмоқда.

Хом пахтани қайта ишлаш босқичида техника тараққиётини жорий этиш масалалари ўртоқ Л. И. Брежнев пахта толаси сифатини яхшилаш юзасидан ўртага қўйган катта вазифаларни ҳал этишга бевосита алоқадордир. Бу масалалар келгусида ҳам комиссиянинг диққат марказида туради.

Иш вақтининг унумсиз зое ўтишини тугатиш меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга бўлади. Машина-ускуналарнинг пландан ташқари бекор туриши, ишга келмаслик, маъмуриятнинг ижозати билан ишга чиқмаслик ва бошқа ҳолатлар шу жумлага киради. Бу ишда янги қуриб битказиладиган объектлар учун ҳам, шунингдек ишлаб турган корхоналар учун ҳам кадрлар тайёрлаш жуда катта аҳамиятга эга.

Жойлардаги депутатлар корхоналарнинг фаолияти билан чуқурроқ танишиб боришлари, меҳнат унумдорлигини янада ошириш тадбирларининг бажарилишини кузатишлари керак. Маҳаллий Советларнинг саноат комиссиялари эса уларга амалий ёрдам бериши лозим.

Муҳокама қилинаётган ҳамма масалалар юзасидан комиссия конкрет тавсиялар қабул этаётганини уқтириб ўтиш керак. Шу масалаларнинг баъзилари юзасидан комиссиянинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг махсус қарорлари қабул қилинмоқда.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш КПСС XXVI съездида совет халқи фаровонлигини ошириш программасининг энг муҳим таркибий қисми деб аталди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам аҳолининг кундалик зарур молларга, маданий-маиший буюмларга ва рўзғор ашёларига бўлган эҳтиёжларини жуда тўла-тўкис қондириш учун кўп иш қилинмоқда. Масалан, ўтган йили аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқариш плани 104,2 процент бажарилди, пландан ташқари эса 253 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръати аввалги йилги даражага нисбатан кўзда тутилганидан анча юқори бўлди.

Бироқ, харидоргир моллар ҳали ҳам етишмаяпти, шу молларни кўпроқ ишлаб чиқаришнинг катта имкониятларидан саноатимиз эса ҳозирча тўла-тўкис фойдаланмаяпти. Шу сабабли резервларни аниқлаш ва саноат корхоналарига ана шундай моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ёрдам бериш комиссия ишидаги муҳим йўналишларнинг биридир.

Шу мақсадда маҳаллий хом ашёдан ва халқ хўжалигида вужудга келаётган яроқли чиқитлардан фойдаланиш проблемаси алоҳида эътиборга лойиқдир. Ғарбий кейинги йилларда республикамизда маҳаллий ресурслардан ишлаб чиқарилаётган моллар ҳажми анча кўпайган бўлса ҳам, комиссиянинг фикрича, Маҳаллий Советларнинг саноат комиссиялари эса уларга амалий ёрдам бериши лозим.

Муҳокама қилинаётган ҳамма масалалар юзасидан комиссия конкрет тавсиялар қабул этаётганини уқтириб ўтиш керак. Шу масалаларнинг баъзилари юзасидан комиссиянинг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг махсус қарорлари қабул қилинмоқда.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш КПСС XXVI съездида совет халқи фаровонлигини ошириш программасининг энг муҳим таркибий қисми деб аталди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикамизда ҳам аҳолининг кундалик зарур молларга, маданий-маиший буюмларга ва рўзғор ашёларига бўлган эҳтиёжларини жуда тўла-тўкис қондириш учун кўп иш қилинмоқда. Масалан, ўтган йили аҳоли учун керакли моллар ишлаб чиқариш плани 104,2 процент бажарилди, пландан ташқари эса 253 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръати аввалги йилги даражага нисбатан кўзда тутилганидан анча юқори бўлди.

Ўн биринчи беш йилликда тагин ҳам каттароқ вазифалар бажарилиши зарур. 400 тадан кўпроқ мана шундай ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилиши керак, ларда 130 мингта яқин киши ишлайдиган бўлади ва 2,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шундай корхоналарни Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё областларида ва бўш меҳнат ресурслари кўп миқдорда мавжуд бўлган бошқа областларда барпо этиш белгиланган.

Жойлардаги совет органлари, министрликлар, идоралар, корхоналар янги барпо этилган филиаллар ҳом ашё, машина-ускуналар билан ўз вақтида таъминланиши устидан доимий контроллик ўрнатишлари лозим. Бу корхоналарга ғамхўрлик қилиш ҳамда кадрлар ва мутахассисларни танлаш, тайёрлаш, ўқитишда ёрдам бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, янги қувватлар барвақт ўзлаштирилиши ва улардан тўла-тўкис фойдаланилиши учун улардан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш лозим.

Комиссия ўз ишида маҳсулот сифатини ошириш масалаларини бир неча бор кўриб чиқди. Бу соҳада ҳам республикада аниқ мақсадни кузлаб иш олиб борилмоқда. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳажми йил сайин кўпаймоқда.

Бироқ, бу ишда ҳар бир министрликнинг, ҳар бир корхонанинг катта резервлари бор. Комиссия маҳсулот сифатини ошириш соҳасида енгил саноат, маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарининг, бир қанча машинасозлик ва электр-техника саноати корхоналарининг ишини ўрганиб чиқиб, уларнинг раҳбарларига корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги, илғор технологияни ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий этиш соҳасидаги ишларнинг суръати пастлигини кўрсатиб ўтди. Министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари жамики илғор, прогрессив усулларни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги дадил ва саботли ишгина ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмларига ва маҳсулотнинг юксак сифатига эришиш имконини беришини доимо эсда тутишлари керак.

Комиссиямизнинг халқ хўжалик проблемаларини таҳлил қилишга ёндашувидаги хусусиятлардан бири шуки, социал масалалар доимо унинг диққат марказида турибди. Касаба союзларининг XVII съездида ўртоқ Л. И. Брежнев биз меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига, уй-жойга, овқатланишга, маиший хизмат соҳасига, соғлиқни сақлаш ва маорифга — инсоннинг фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилаб берадиган ҳамма соҳаларга катта эътибор бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, янги қувватлар барвақт ўзлаштирилиши ва улардан тўла-тўкис фойдаланилиши учун улардан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш лозим.

Комиссия ўз ишида маҳсулот сифатини ошириш масалаларини бир неча бор кўриб чиқди. Бу соҳада ҳам республикада аниқ мақсадни кузлаб иш олиб борилмоқда. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳажми йил сайин кўпаймоқда.

Бироқ, бу ишда ҳар бир министрликнинг, ҳар бир корхонанинг катта резервлари бор. Комиссия маҳсулот сифатини ошириш соҳасида енгил саноат, маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарининг, бир қанча машинасозлик ва электр-техника саноати корхоналарининг ишини ўрганиб чиқиб, уларнинг раҳбарларига корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги, илғор технологияни ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий этиш соҳасидаги ишларнинг суръати пастлигини кўрсатиб ўтди. Министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари жамики илғор, прогрессив усулларни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги дадил ва саботли ишгина ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмларига ва маҳсулотнинг юксак сифатига эришиш имконини беришини доимо эсда тутишлари керак.

Комиссиямизнинг халқ хўжалик проблемаларини таҳлил қилишга ёндашувидаги хусусиятлардан бири шуки, социал масалалар доимо унинг диққат марказида турибди. Касаба союзларининг XVII съездида ўртоқ Л. И. Брежнев биз меҳнаткашларнинг кундалик эҳтиёжларига, уй-жойга, овқатланишга, маиший хизмат соҳасига, соғлиқни сақлаш ва маорифга — инсоннинг фаровонлигини ҳам, кайфиятини ҳам белгилаб берадиган ҳамма соҳаларга катта эътибор бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, янги қувватлар барвақт ўзлаштирилиши ва улардан тўла-тўкис фойдаланилиши учун улардан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш лозим.

Комиссия ўз ишида маҳсулот сифатини ошириш масалаларини бир неча бор кўриб чиқди. Бу соҳада ҳам республикада аниқ мақсадни кузлаб иш олиб борилмоқда. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш, ҳажми йил сайин кўпаймоқда.

Бироқ, бу ишда ҳар бир министрликнинг, ҳар бир корхонанинг катта резервлари бор. Комиссия маҳсулот сифатини ошириш соҳасида енгил саноат, маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарининг, бир қанча машинасозлик ва электр-техника саноати корхоналарининг ишини ўрганиб чиқиб, уларнинг раҳбарларига корхоналарни реконструкция қилиш, техника билан қайта қуроллантириш соҳасидаги, илғор технологияни ҳамда фан ва техника ютуқларини жорий этиш соҳасидаги ишларнинг суръати пастлигини кўрсатиб ўтди. Министрликлар, идоралар, корхоналарнинг раҳбарлари жамики илғор, прогрессив усулларни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги дадил ва саботли ишгина ишлаб чиқаришнинг катта ҳажмларига ва маҳсулотнинг юксак сифатига эришиш имконини беришини доимо эсда тутишлари керак.

Саноат, транспорт, алоқа соҳасида меҳнат қилаётган 15 илғор ўн биринчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан кўпроқ йиллик топшириқларни бажариш юзасидан юксак социалистик мажбуриятларини қабул этиб, мусобақа ташаббускорлари бўлдилар. Уларнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуси республикада кенг миқёсда қўллаб-қувватланди ва уларнинг кўпдан-кўп издошлари пайдо бўлди.

Мавжуд асосий фондлардан имкони борича яхшироқ фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларни қатъий тежаш, фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий этиш масалалари ҳамиша мусобақадошларнинг диққат марказида туриши керак. Ҳар қандай фойдали ташаббусга эътибор берилиб, қўллаб-қувватланиши лозим. Улуғ Ленин дадил ташаббус, омилкорликнинг айни оммавий намоён бўлишини мусобақанинг асосий моҳияти деб билган эди. Ташаббусга йўл очадиган ҳамма воситалардан тўла-тўкис фойдаланиш зарур.

Комиссиямиз составида корхоналарнинг раҳбарлари, илғор ишчилар, олимлар, партия ва давлат аппаратининг ходимлари бор. Бу эса бизга корхоналардаги ва тармоқлардаги ишнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш, муҳокама қилинадиган масалаларни малакали тайёрлаш имконини беради. Комиссиянинг тавсиялари депутатларнинг бой ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибаси асосида тайёрланаётганлиги учун ҳам улар, айниқса, салмоқли бўлиб чиқмоқда.

Комиссия аъзолари жойларда катта иш олиб бормоқдалар. Улар саноат корхоналарининг фаолияти билан, меҳнат коллективларининг турмуши билан танишиб, аниқланган камчиликларни ўша жойнинг ўзида, текшириш давомида тугатишга интилмоқдалар. Комиссия аъзоларини министрликларда ҳам, ишлаб чиқариш бирлашмаларида ҳам танийдилар, улар бу ерга келиб ҳар бир тармоқнинг проблемаларини чуқур ўрганмоқдалар.

Комиссиянинг фаолияти масалаларни мажлисларда муҳокама қилиш билангина чекланмайди. Айрим масалаларни ҳал этиш учун комиссия муҳокамадан кейин ёрдам бериш мақсадида бевосита иттифоқ министрликларига, Ўзбекистон ССР Госплани ва Госснабига, республиканинг бошқа министрликлари ва идораларига мурожаат этади. Комиссия ҳамма масалаларнинг асосан ижобий ҳал этилишига эришади.

Ўн биринчи беш йилликда республикамиз халқ хўжалиги олдида жуда мураккаб ва кенг миқёсли вазифалар турибди. Республикамизда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 30 процент кўпайтирилиши лозимлиги ҳаммангизга маълум. Илғор структуравий силжишларни ва техника тараққиётини таъминлайдиган тармоқлар, чунончи, энергетика, машинасозлик, химия тармоқлари юксак суръатлар билан ривожлантирилади. «Б» группа тармоқлари аввалгидек, гуркираб ривожланаверади. Бу соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 36,4 процент ортади.

Комиссия шу катта вазифаларга асосланиб, асосий диққат-эътиборни танг жойларни аниқлашга, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топишга ва улардан фойдаланишга қаратмоқда. Айни вақтда комиссия саноат ходимлари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, янги техника ва илғор тажрибани жорий этишга, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга, аввало, меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътибор беришларига ҳаракат қилмоқда.

Саноат комиссиясининг ҳозирги состави сайланганидан бери орада икки йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида биз муайян иш қилдик. Аммо ҳали доимо эътибор берилишини талаб этаётган масалалар бор. Биз комиссия қабул қилган ҳамма қарорларнинг бажарилишига сабот билан ҳаракат қилишимиз, шу мақсадда область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари билан, маҳаллий Советларнинг саноат комиссиялари билан ишда баҳамжиҳатликни мустаҳкамлашимиз лозим.

Ушбу сессиядаги ҳисобот комиссиямизнинг ишини янада яхшилашга, унинг фаолиятидаги камчиликларни тугатишга шак-шубҳасиз кўмаклашади.

Комиссиямиз аъзолари ўз фаолиятини қунт билан такомиллаштириб, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди республика олдига қўйган муҳим хўжалик-сиёсий вазифаларни, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев республикага Ленин ордени топшириш пайтида ўтказилган тантаналарда берган йўл-йўриқлар ва тавсияларни ҳал этишда янада зўр активлик билан қатнашадилар, деб уларнинг ҳаммалари номидан Ўзбекистон ССР Олий Советини ишонтиришга рухсат этгайсизлар. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарори

САНОАТ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИНИНГ ИШИ ТЎҒРИСИДА

Саноат доимий комиссиясининг раиси депутат И. Г. Анисимкин докладини тинглаб, Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд қиладики, комиссия КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларида республика халқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни бажариш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Олий Советларнинг қонун чиқариш соҳасидаги иши билан боғлиқ ва контроль қилишни янада мустаҳкамроқ боғлаб олиб борин зарурлиги тўғрисида берган кўрсатмаларига амал қилиб, саноат комиссияси, министрликлар, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг план топшириқларини бажариш, хўжалик ички резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишга устидан контролни кучайтирди. Бу вазифа кўп жиҳатдан республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ҳамда давлат бюджети лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш жараёнида ҳал қилинмоқда. Комиссия таклифларини амалга ошириш орқада қолаётган корхоналар сонини қисқартишга, улар ишининг сифат кўрсаткичлари яхшиланишига ёрдам бермоқда.

Комиссия саноат ишлаб чиқаришни янада интенсивлаш йўллари, меҳнат коллективларининг социалистик мусобақасини ривожлантириш ҳақидаги, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, корхоналарни реконструкция қилиш ҳамда фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш тўғрисидаги бир қанча масалаларни қараб чиқди.

Комиссиянинг иш планларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳом ашё, материалларни тежаш, саноат корхоналари ишида мавжуд бўлган исрофгарчиликни тугатиш масалалари катта ўрин тутади.

Саноат комиссияси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, 1981 йилнинг ноқулай об-ҳаво шароитларида пахтадан юқори ҳосил олишга ўз ҳиссасини қўшишга интилиб, тегишли корхоналарнинг раҳбарлари билан биргаликда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга муддатидан олдин жўнатиш соҳасидаги социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган конкрет чоралар белгилади ва уларнинг амалга оширилишига эришди.

Комиссия халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, планларнинг бажарилиши устидан кун сайин контроль қилиб бормоқда. Бунда маҳаллий хом ашё ресурсларини, ишга яроқли чиқитларни ишлаб чиқаришга жалб этишга, шунингдек министрликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг мана шу муҳим ишдаги куч-ғайратларини ўйғунлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат комиссияси ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш масалаларини, унум билан меҳнат қилиш ҳамда соғлом, маданий дам олиш учун зарур шароитларни яратиб бериш, уй-жой қурилишини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш, мактабгача тарбия, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ишини такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб қарамоқда.

Саноат комиссиясининг фаолияти перспектив йиллик планлар асосида ташкил этилмоқда. Унинг барча тадбирлари белгиланган муддатларда амалга оширилмоқда. Комиссия аъзолари комиссияда қараб чиқиш учун киритилаётган масалаларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда, тайёрлаш комиссиялари ишида фаол қатнашмоқдалар, қабул қилинган тавсияларнинг бажарилишини ташкил этмоқдалар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Саноат комиссиясининг иши маъқуллансин.

2. Комиссиянинг энг муҳим вазифаси Ўзбекистон ССР Олий Советига, унинг Президиумига ҳисоб берувчи органлар ишини йўлга солиб туришда, хўжалик механизмини яхши йўлга қўйишда кўрсатилаётган ёрдамни янада кучайтиришдан иборатдир, деб ҳисоблансин. Бу эса КПСС XXVI съездида кўрсатиб ўтилганидек, хўжалик ва маданий қурилишга давлат томонидан раҳбарлик қилишни яхшилашга, давлат ҳаётининг умумий даражасини оширишга ёрдам беради.

Қонунлар, план топшириқларининг бажарилиши устидан, республиканинг саноат потенциалидан оқилона фойдаланиш устидан контроль кучайтирилсин.

Ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларининг XVII съездида, шунингдек Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқларида ишлаб чиқариш қувватларидан юқори унумли фойдаланиш, фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, бригада пудратини, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар тажрибасини кенг жорий этиш, меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини тўхтовсиз ошириб бориш зарурлиги тўғрисида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган масалалар ҳаммавақт комиссиянинг диққат марказида турмоғи керак.

Халқ хўжалигида тежамкорлик режимининг мустаҳкамланишига ёқилғи-энергетика ва ҳом ашё ресурслари тежаб-тергаб, оқилона сарфланишига, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш соҳасида мавжуд катта имкониятлардан максимал даражада фойдаланишга янада зўр қатъият ва изчиллик билан эришиб борилсин.

Саноат комиссиясининг аъзолари ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашишлари, саноат корхоналарининг ишини, ишлаб чиқариш коллективларининг талаб-эҳтиёжларини чуқур ўрганишлари, меҳнаткашларга социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга бутун чоралар билан ёрдам беришлари, фойдаланилмаётган резервларни очишлари, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун қатъий чоралар кўришлари керак.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари зиммасига ўз фаолиятларини такомиллаштириш, янада ғайрат билан иш олиб бориш, иқтисодий ва социал-маданий қурилишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб туриш, қабул қилинган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг доимий комиссияларини билан ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, комиссиянинг ҳар бир мажлиси кишиларнинг чинакам кенгашига, энг тўғри қарорларни коллектив бўлиб ишлашга айланиши учун ҳамма ишларни қилиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари доимий комиссияларинг таклифларини эътибор билан ўрганишлар, уларнинг ташаббусларини амалда қўллаб-қувватласинлар. Комиссиялар берган тавсияларни муқаррар суратда кўриб чиқиш ҳамда уларга кўрилган чоралар тўғрисида ўз вақтида хабар бериб туриш ҳақидаги Ўзбекистон ССР Қонуни талабларига қатъий риоя қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялар КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг совет давлат қурилиши масалаларига оид кўрсатмалари асосида ўз фаолиятларини такомиллаштира бориб, ўн биринчи беш йилликда республика олдида турган катта хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Г. Қ. ҲАЙДАРОВА доклади

Депутат ўртоқлар! Ижодий кучга тўлиб, коммунистик қурилишда янги марралар сари бораётган халқимиз СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга тайёрланмоқда. Бу сана сиёсий аҳамияти ва социал-иқтисодий натижалари жиҳатидан Ватанамиз тараққиётида, социализм ва коммунизм учун кураш йилномасида ғоят муҳим ўрин тутади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонда бўлиши, унинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган тантаналарда сўзлаган ажойиб сафарбар этувчи нутқи ҳаммамизда ғоят чуқур таассурот қолдирди. Бу нутқ ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида ва мамлакатимиз касаба союзларининг XVII съездида баён қилган кўпгина қоида ва хулосаларни ривожлантирди.

Леонид Ильич республикамиз олдига мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйди. Унинг маслаҳатлари ва тавсиялари — республика халқ хўжалигини янада ривожлантириш, мавжуд проблемаларни ҳал этишнинг жанговар программасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг ишчилар, колхозчилар, зиёлиларга, халқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, коммунистлар ва комсомолларга, республиканинг барча меҳнаткашларига Муроожаати коллективларни қўйилган вазифаларни сўзсиз бажариш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш учун, масъулиятни, активлик ва ташаббускорликни янада ошириш учун сафарбар қилишга қаратилгандир.

Депутат ўртоқлар!

Хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажаришда қонунчиликни такомиллаштириш, уни СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлаштириш ишга давом эттиришмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Советининг тўртинчи сессиясидан кейин ўтган вақт мобайнида бир қанча фармонлар қабул қилган бўлиб, улар, Конституцияга мувофиқ, ушбу сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда.

Ана шу фармонлар ҳақида сизларга доклад қилишга ижозат бергайсиз.

Бухоро области ишлаб чиқарувчи кучларини янада жадал ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавжуд резервларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 20 апрелдаги Фармони билан республикада Навоий областини ташкил этди.

Қорақалпоғистон АССР билан Бухоро области территориясининг бир қисми Хоразм области составига ўтказилганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 24 апрелда «Қорақалпоғистон АССР чегараларига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Ана шу Фармонга мувофиқ автоном республиканинг чегараси қисман ўзгартирилди.

Ана шу масалалар юзасидан Олий Совет қарорининг лойиҳаси сизларга тақдим этилган.

Депутат ўртоқлар!

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар уй-жой қонуни Асосларига амал қилиб ҳамда уй-жой фондининг яхши сақланишини таъминлаш, турар жойларнинг сифатлик даражасини оширишдек давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифаларни янада оператив ҳал қилиш, республиканинг уй-жой-коммунал хўжалигига давлат раҳбарлигини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 17 март Фармони билан Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлигини Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлигига айлантирди.

Ушбу Фармонни тасдиқлаш чоғида «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига, унинг республика министрликлари рўйхатини белгилаб берувчи 26-моддасига ўзгартишлар киритиш зарур бўлади.

Ушбу масалага доир қонун лойиҳаси сизларга берилган.

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 5 майда «Ижро ҳужжатлари бўйича ҳақ ундириш тўғрисидаги талабларни таъминлаш навбати ҳақида» Фармон қабул қилди. Шунга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 28 декабрда «Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал ва Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Гражданлик-процессуал кодексининг ҳақ ундирувчилар ўртасида ижро ҳужжатлари бўйича пул ундириш масалаларини тартибга солувчи моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу нормаларга мувофиқ қарздордан ундирилган пул ижро ҳужжатлари бўйича ҳамма талабларни қаноатлантириш учун старли бўлмаса, бор пул ундирувчилар ўртасида навбат билан тақсим қилиниши белгилаб қўйилди. Кодекснинг биринчи навбатдаги ундирувни белгиловчи 450-моддаси колхоз аъзоларининг колхоздаги меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлган талаблари, шунингдек адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатганлиги учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги талаблар ҳам биринчи навбатда ундирилиши ҳақидаги янги қоидалар билан тўлдирилди. Социал страхование бўйича бўлган талаблар ва гражданларнинг жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилиниши натижасида ўз мол-мулкларига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари биринчи навбатда ундириладиган талаблар жумласига киритилди.

Кодекснинг иккинчи ва ундан кейинги навбатда ундириладиган талабларни белгилаб қўювчи моддаларига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш шартини тартибга солувчи моддаларга ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мазкур Фармон билан республиканинг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига ҳам ўзгартишлар киритди. Шу кодекснинг озодликдан маҳрум қилинган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги 51-моддасининг аввалги таҳририда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг иш ҳақидан ижро варақалари бўйича пул ушлаб қолиш Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади деб кўрсатилган эди. Янги киритилган ўзгартишга мувофиқ, бу тартиб эндиликда ССР Иттифоқи қонунлари билан ҳам белгиланади.

СССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 18 майда «Давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида қилган ғайриқонуний ҳаракатлари натижасида гражданга етказилган зарар ҳақини тўлаш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармонда ғайриқонуний равишда ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жавобгарликка тортиш, жиноятнинг олдини олиш чораси сифатида ғайриқонуний равишда қамоққа олиш, арест ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзида ғайриқонуний равишда маъмурий жазо бериш натижасида гражданга етказилган зарар ҳақи давлат томонидан тўланади, деб белгилаб қўйилди. Бу ҳақни тўлаш шартлари ва тартиби аниқлаб қўйилди. СССР Олий Совети Президиуми иттифоқдош республикаларга ўз қонунларини ушбу Фармонга мувофиқлаштириб чиқишини тўпширди.

Ана шу топшириққа мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 26 апрелда Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик-процессуал кодексига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида Фармон қабул қилди.

Чунончи, Кодекснинг 94-моддаси томонлар давлат ва жамоат ташкилотларининг, шунингдек шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтида қилган ноқонуний ҳаракатлари натижасида гражданга етказилган зарар ҳақини тўлаш билан боғлиқ низолар бўйича давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинишларини белгиловчи норма билан тўлдирилди.

Кодекснинг 130-моддаси ғайриқонуний равишда ҳукм қилиш, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, жиноятнинг олдини олиш чораси сифатида ғайриқонуний равишда қамоққа олиш, арест ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзида ғайриқонуний равишда

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида

(Боши учинчи бетда).

маъмурий жазо бериш натижасида гражданга етказилган зарар ҳақини тўлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга оид ҳуқуқларни тиклаш, мулк ёки унинг қийматини қайтариб бериш ҳақидаги талаб даъвогар яшайдиган жой бўйича берилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида билан тўлдирилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 11 февралда «СССРнинг халқаро муносабатларга ва ташқи иқтисодий алоқаларга оид баъзи қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Ана шу Фармонга мувофиқ 1982 йил 26 апрелда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР давлат муассасалари ва уларнинг мансабдор шахслари билан чет давлат муассасалари ва мансабдор шахслари ўртасидаги алоқалар тартиби тўғрисида»ги 1948 йил 24 сентябрь Фармонига ўзгартишлар киритилди.

Республиканинг норматив актларини СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 26 апрелда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Диний уюшмалар тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Кўрсатиб ўтилган фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари сизларга берилган.

Депутат ўртоқлар!

Олдинги сессия билан ушбу сессия ўртасидаги вақт мобайнида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Министрлар Совети Раисининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг баъзи аъзоларини тайинлаш ҳамда вазифасидан озод қилиш ҳақида фармонлар қабул қилди.

Ўрток Рашид Ашуралиев Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1982 йил 23 февралда уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди. Ўрток Бектош Раҳимович Раҳимовни эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлади.

1981 йил 21 декабрдаги Фармон билан Ўрток Георг Георгинович Исаев Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри қилиб тайинланди. Ўрток Михаил Дмитриевич Мухортов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўша куни бу вазифадан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 23 декабрда Ўрток Мавлон Эгамбердиевни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси қилиб тайинлади. Ўрток Рафаил Рафғатович Сафаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан бу вазифадан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси, шунингдек Б. Р. Раҳимов, Г. Г. Исаев ва М. Эгамбердиевнинг меҳнат ҳамда ижтимоий фаолиятига доир маълумотлар сизларнинг ҳаммангизда бор.

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорлари лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлашни сўрайди.

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ ТАҚОЗОСИ

ГРАЖДАНИН, ЖАМИЯТ, ҚОНУН

Биз яшаётган давр кенг кўламли ишларга бойдир. Совет кишилари партия XXVI съездида вазифаларни бажариш йўлида ғайрат билан ишламоқдалар. Ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг, ҳар бир совет меҳнаткашининг кундалик куч-ғайратлари самаралари тўпланиб, мамлакатнинг ютуқларини ташкил этади. Давлат манфаатлари ва шахс ҳуқуқларини қўриқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жонажон ишидир.

Совет қонунларининг нуфузи баланд. Уларда меҳнаткашларнинг иродаси, совет кишиларининг бизнинг тузумимиз шароитида қонун ва адолат ҳамиша тантана қилиши зарурлигига ишончи акс этгандир. Хўжалик фаолиятида ҳуқуқнинг роли айниқса ошади. Чунки, кўп социал ва идеологик вазифаларни ҳал этишнинг пойдевори экономикага боғлиқдир.

Совет гражданларининг қўли билан яратилган маҳсулотлар бузилса, талон-торож қилинса, ноинсоф кишилар ташиб кетишса, бундай ҳоллар совет гражданларининг ҳақли норозилигига сабаб бўлади. Масалан, мамлакат баъзи районларидаги колхоз ва совхозларда ем-хашак етишмаганлиги сабабли молларнинг нобуд бўлаётганлиги маълум. Ҳолбуки, бепарволик, масъулиятсизлик билан сарфлаш оқибатида минглаб тонна ем-хашак исроф бўлаётир. Хўжасизлик, исрофгарчилик, молия ва давлат интизомининг бузилиши оқибатидаги нобудгарчиликлар, ғаразгўйлик билан турли суиистеъмоллар қилиш ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. халқ фаровонлигини ошириш жараёнига тўсқинлик қилмоқда.

Бундай аҳволнинг сабаби нимадан иборат? Айрим ҳоллларда огоҳлантирувчи механизм нега ишламай қолмоқда? Ахир экономикада қонунчиликнинг бузилиши олдини олиш билан қандайдир бирор орган шуғулланаётгани йўқ — бу хўжалик раҳбарларининг, контроль-ревизия аппаратларининг, ҳуқуқ хизматининг, меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бевосита бурчидир.

Кўп ҳолларда буларнинг асосий сабаби қонунларимизнинг бўшлиги деган фикрлар мавжуд. Аслида эса ишлаб чиқаришда зарур бўлган тартиб-интизомни таъминлайдиган етарли миқдорда, жумладан қаттиқ ҳуқуқий нормаларимиз мавжуддир. Қонунлар қўлланилмасдан, қонунни бузувчилар жавобгарликдан қутилиб қолган ҳолларда қонунларнинг «бўшлиги» тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлади.

Саратов область Балашов район прокуратурасининг талаби билан «Облремстройсбит» трести маъмурияти 4-ремонт қурилиш бошқармасида икки марта ревизия ўтказди, лекин жиддий бузилишларни «топа олмади». Бу ишга контроль-ревизия бошқармаси ходимлари киришганда эса прокуратурага тушган сигналлар тўғри эканлиги маълум бўлиб қолди бошқармада катта миқдорда ўғирликлар ва юз минг сўмлаб қўшиб ёзишлар очиб ташланди. Бунда айбдор бўлган РСУ бошлиғи В. Кременчугский ва бошқа шахслар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. «Облремстройсбит» раҳбарлари ҳам жазоланди. Ростовдаги 1-ошхоналар трестида ҳам худди шундай ҳол юз берди. Бу ерда контролсизлик, айрим раҳбарларнинг ишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиши оқибатида узоқ вақтгача кўзбўямачилик ва ўғирлик давом этиб келган. Прокуратура аралашгандан сўнгина айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Биз кўп яхши қонунлар қабул қилдик, дейилган эди партия XXVI съездида, эндиликда гап уларни аниқ ва оғишмай амалга оширишда қолди. Чунки, ҳар қандай қонун бажарилган тақдирдагина яшайди. Ҳамма жойда ва ҳамма томонидан бажарилган тақдирдагина яшайди. Масалан, дангасалар, прогулчилар, ичкиликбозлар ва бошқа ишлаб чиқариш ғаламисларининг бир корхонадан иккинчи корхонага ўтишларига нималар имкон бермоқда, улар нимани умид қилмоқдалар? Энг аввало улар ҳамма учун мажбурий бўлган ҳулқ-атвор нормаларини менсимасликлари мумкин бўлган ва шу билан бир вақтда ўз қилган ишларига нисбатан кўпроқ даромад олишлари мумкин бўлган жойларга борадилар.

Афсуски, шундай ишлаб чиқариш раҳбарлари ҳам топилмоқдаки, улар бундай шахсларнинг бекор ўтган вақтлари учун давлат ҳисобидан амалда ҳақ тўламоқдалар. прогулларни ва ишдаги бракни яширмоқдалар, ичкиликбозлик ва ўғирлик учун кишиларни тартибга чақириб қўймаяптилар. Бунинг устига улар «ишлаб чиқариш манфаатлари», «кадрлар етишмаслиги»ни деб қиладилар. Бу қонунни очиқдан-очиқ бузишдир. Бунда ишлаб чиқаришга ва давлатга фақат зарар етказилади. бу йўл билан кадрлар етишмаслиги проблемасини ҳал қилиб ҳам бўлмайди.

Лоқайдлиги, хизмат бурчига виждонан муносабатда бўлмаслик оқибатида етказилган моддий зарар ҳамма ҳолларда ҳам давлат фойдасига ундирилавермайди. Бу ўринда қонунинг ҳеч қандай айби йўқ. Хизмат бурчи нуктаи назаридан зарур чораларни кўришлари лозим бўлган мансабдор шахслар ўзларининг бевосита бурчларини мунтазам бажармай келадилар. Бундай принципсизлик ҳар йили давлатга кўп миллион сўмлаб зарар етказади.

Гап фақат моддий зарар тўғрисидагина эмас, бошбошдоқлик, бепарволик, лоқайдлик ва ҳатто суиистеъмол қилиш оқибатида ишлаб чиқаришга етказилган зарарни давлат ҳисобидан чиқариб ташлашдек нотўғри практика гражданларга салбий таъсир ўтказади, лоқайдликни, баъзан эса ижтимоий мулкка менсимай муносабатда бўлишни вужудга келтиради. Бизнинг фикримизча, худди ана шундай муносабатда бўлиш, кўп жиҳатдан хусусий мулкчилик психологияси кўринишларининг яшаб келаётганлигига сабаб бўлмоқда. текинхўрларга хос интилишлар ва халқ мулкига чанг солишлар учун қулай муҳит бўлиб хизмат қилмоқда.

Министрликлар ва идораларнинг контроль-ревизия аппаратлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ хизматлари хўжалик фаолиятида қонунчиликни таъмин этишлари даркор. Бироқ идоранинг тор манфаатларини кўзлаш, «иситмани ошкора қилмаслик» уларнинг ишига кўпинча салбий таъсир қилмоқда.

Шу нарса характерлики, айбдорлардан давлатга етказилган заарни ундирилиб олиш тўғрисида суддa кўриб чиқилган умумий ишларнинг атиги беш процентигина шу корхоналар ташаббуси билан кўзғатилган ишлардир. Қолган ҳамма ишлар прокурор талаби билан кўзғатилган. Сўнгги ўн йил ичида уларнинг сони тўрт баравар ортди. Албатта, бундан кейин ҳам прокурорлар давлат манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, лекин очиғини айтсак, фақат уларнинг кучи билан аҳволни ўзгартириб бўлмайди. Идора аппарати четдан кузатиб туриш мавқеида бўлган, бепарво ва виждонсиз кишилар қилмишлари оқибатсиз қолган жойларда хўжалик фаолиятида ҳам, тарбиявий ишларда ҳам муваффақиятга эришиш жуда қийин.

Моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган мансабларга кадрлар танлаш принципининг бузилиши ҳам ўғирликка қарши курашни қийинлаштирмоқда. Баъзан виждонсизлик қилмишлари билан ўз шаънига доғ туширган, ўғирлик, порахўрлик ва бошқа зararли суиистеъмоллар учун суд қилинган шахслар ишга қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммасини ўғриларга тўғридан тўғри йўл очиб бериш деб баҳоламоқ керак. Маълумки, СССР Министрлар Совети «Министрликлар, идоралар ва бошқа бошқарув органларида контроль-ревизия ишларини яхшилаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. СССР прокуратураси эса ўз навбатида ўз ходимлари ва тергов аппаратлари олдига лоқайдлиги ёки виждонсизлиги давлатга зарар етказилишига олиб келган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортишга тегишли чораларни кўриш вазифасини қўйди.

Афсуски, идораларга тааллуқли бўлмаган контроль қилиш органлари ҳам хўжасизлик, давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашда ҳамиша ҳам принципиал позицияда турмаётирлар. Масалан, энергия назорати органлари энергиянинг лимитда белгиланганидан ортиқча сарфланишига йўл қўйган корхоналар ва ташкилотларни ёппасига жарима тўлашдан асоссиз равишда озод қилиб қўймоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина тартибни ана шундай бузганлари учун ўнлаб миллион сўм жарима олинмай қолди. Қонун қўлланилмаса, у ўзининг огоҳлантирувчи кучини йўқотиб қўяди. Жиддий талаб қилишгина интизомни реал воқеликка айлантирувчи зарур шартдир.

Хўжалик раҳбарларининг, контроль қилувчи аппаратларнинг фаолиятсизлигининг баъзан бошқа илдизлари ҳам бор. Тўғрисини айтадиган бўлсак, бу — айрим мансабдор шахсларнинг турли «совғалар» олишга мойиллигидир. Улар пировард натижада барибир ўғрилар ва давлат мулкини талон-торож қилувчилар моҳирлик билан қўйган тўрга тушиб қоладилар. Шу жиҳатдан қараганда Псков шаҳар ёқилғи таъминоти идорасидаги ўғирликлар тўғрисидаги жиноий иш сабоқ бўларлидир. Бу ерда иш шундан бошланганки, давлат маблағи ҳисобига сотиб олинган «совғалар» орқали область бошқармаси айрим раҳбар ходимларининг ҳомийлиги таъминланган. Кейинчалик эса очиқдан-очиқ қинғир ишлар бошланиб, қўшиб ёзиш, қонунга хилоф равишда ўзини мукофотлаш, сохта ҳужжатлар билан кассадан пул олиш авж олиб кетган. Оқибат натижада 10 минг сўмлаб маблағ ўғирланган. Бу ишда айбдор бўлган «Гортопсбит» директори Л. Ефимова ва бир қанча мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, суд томонидан турли муддатларга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

Порахўрлик алоҳида ижтимоий хавф келтириб чиқаради. Кейинги вақтда порахўрликка қарши кураш анча активлашди. Жамоатчиликнинг ёрдамида баъзи таъминот ва савдо ташкилотларида, маҳаллий ва балиқ саноатида, бир қанча олий ўқув юртлари ва медицина муассасаларида иш кўриб келган порахўрлар фош қилинди. Кўп ҳолларда порахўрларнинг товламачилар ва ўғрилар билан мустаҳкам алоқаси борлиги равшан бўлди. Пора сифатида фойдаланилган пуллар кўпинча ўғирлик, ошириб ёзиш, харидорларни алдаш ва бошқа қинғир йўллар билан топилган пуллардир.

Грузия ССР Молия министрлигининг контроль-ревизия бошқармаси ҳам порахўрлик касалига учраган экан. Молиявий контроль қилишнинг бу бош органи аслида социалистик мулкнинг сақланиши учун курашдан четга чиқиб қолган. Порахўрларга КРУ бошлиғи ва собиқ молия министри бошчилик қилганлиги учун улар қамоққа олингани ва жиноий жавобгарликка тортиладиган ажабланарли эмас.

Одатда тамагирлар атрофларига ўзига ўхшаганларни тўплаб оладилар. Порахўрларнинг алоҳида ижтимоий хавфли эканлиги уларга нисбатан энг қаттиқ жазо чораларини қўлланишга мажбур қилади. Уларга ҳеч қандай шафқат бўлмаслиги керак. Ана шундай жиноят қилганлиги фош этилган СССР балиқ хўжалиги министрининг собиқ ўринбосари Ритов СССР Олий суди томонидан фавқулодда жазога қўйилгани. Ҳукм ижро этилди. Юқорида номи тилга олинган идоранинг бир қанча масъул ходимлари устидан ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

Ўғирлик, ошириб ёзиш, кўзбўямачилик ва қонунни бошқа шу тарзда бузишлар нима учун юз бермоқда? Қисман, бизнингча, ўз чўнтагини давлат кассасидан ажрата олмайдиган шахсларга ижтимоий таъсир кўрсатишга етарли баҳо бермаслик сабабли юз бермоқда. Мисол учун ҳали ҳам ўғирликлар юз бериб турадиган савдо соҳасидаги аҳволни олиб кўрайлик. Беихтиёр равишда нима учун бундай шахсларга нисбатан соф савдо ходимлари баралла қарши чиқмайдилар, деб ўйланиб қоласан. Ахир соф савдо ходимлари кўпчиликни ташкил этадику! Темир йўл транспортида, қурилишда, қишлоқ хўжалигида ҳам ўғирлик ҳоллари кам эмас. Бу ерда ҳам маъмурият, ҳам меҳнат коллективлари, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ҳам ўзларининг салмоқли сўзларини айтишлари мумкин ва керак. Агар ана шу жуда катта куч ҳаракатга келтириладиган бўлса, улар давлат ҳисобига бойлик орттиришга уринувчилар йўлида ўтиб бўлмас ғов бўлиб қоладилар.

Жамоатчилик савдо, хизмат кўрсатиш соҳасида тартибни кузатиб туришни ишониб топширганлар орасида лоқайд ва ҳатто қўли қинғир кишилар ҳам борлиги каби ачинарли ҳолларга ҳануз дуч келиб турибмиз. Улар турли қинғир ишларни фош қилиш ўрнига айбдорларни ўз паноҳларига олмоқдалар, контролёрлик мавқеидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар. Касаба союзларининг XVII съездида жамоат контроли янада таъсирчан бўлиши зарурлиги, улар формал иш кўрмай, юзхотир қилмай иш тутишлари зарурлиги эўр куч билан таъкидланди.

СССР прокуратураси идораларга қарашли органлар ва халқ контроли органлари билан, жамоатчи активлар билан мустаҳкам алоқада ҳаракат қилиб, экономикада қонунчиликка риоя қилинишини назорат этишни кучайтиришни, қўзғатилган жиноий ишларни пухта ва ҳар томонлама текшириб чиқишни, айбдорларни, уларга ёрдам берганларни жавобгарликка тортишни, уларга нисбатан ҳеч қандай шафқат қилмасликни ўзининг вазифаси деб билади.

Ижтимоий ҳаёт практикаси ҳар қандай текинхўр элементларга, ичкиликбозларга, безориларга қарши курашни кучайтиришни тақозо қилади. Уларнинг жамиятга қарши хатти-ҳаракатлари бизнинг турмуш тарзимизга, совет ҳуқуқ нормаларига ziddir. Бироқ, бу нормаларнинг ҳамма жойда актив ва изчил қўлланилишига эриша олганимиз йўқ.

Текинхўрлар ва мўмай даромад ҳисобига кун кечирувчилар давлат ва жамоат контролидан четда қолганларида, милиция ва прокуратура ходимлари безориларга, бошқа жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан муросасозлик қилаётганларида, айрим жиноятлар фош қилинмай, жиноятчилар эса жазосини тортмай қолаётганида меҳнаткашлар бундай ҳоллар ҳақида хабар қилмоқдалар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вазифалари хилма-хил ва масъулиятлидир. Улар жиноятларга, олға қараб ҳаракат қилишимизга ҳалақит қилувчи ҳар қандай жамиятга зид хатти-ҳаракатларга чек қўйиб ва уларнинг олдини олиб, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, меҳнат унумдорлигини оширишда, партияга ёрдам бермоқдалар, социалистик турмуш тарзининг асосларидан бири бўлган соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришга ёрдамлашмоқдалар.

Биз гражданларнинг ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига таяниш учун, қонуннинг сўзсиз нуфузини қарор топтириш учун қонун олдида ҳамма баравар деган принципни изчиллик билан амалга оширишимиз керак, қонун шахснинг ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, лекин жиноятчи қандай мансабда бўлишидан қатъи назар қилмишига яраша жазо олади. Прокурор назорати бу конституцион ҳуқуқларни таъминлашнинг таъсирчан гарантияларидан биридир ва биз бу ўринда сўз билан иш ўртасида ҳеч қандай тафовут бўлмаслигига эришаверамиз.

А. РЕКУНКОВ,
СССР Бош прокурори.
(«Правда», 1982 йил 2 апрель).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети бешинчи сессияси қабул қилган қонун ва қарорлар

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ ТУЗИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР составида Навоий областини ташкил этиш тўғрисида»ги 1982 йил 20 апрель Фармони;

«Қорақалпоғистон АССР чегараларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил йил 24 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИНГ 26- МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигини Ўзбекистон ССР Уй-жой коммунал хўжалиги министрлигига айлантириш тўғрисида»ги 1982 йил 17 март Фармони тасдиқлансин.

Шу муносабат билан «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг (Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари, 1978 йил, № 36, 527-модда; 1980 йил, № 13, 194- модда; 1981 йил, № 16, 324-модда; № 33, 646-модда) 26-моддасидаги «Коммунал хўжалик министрлиги» сўзлари «Уй-жой коммунал хўжалиги министрлиги» деб ўзгартирилсин

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК-ПРОЦЕССУАЛ ВА АХЛОҚ ТУЗАТИШ-МЕҲНАТ КОДЕКСЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

«Ўзбекистон ССР гражданлик-процессуал ва ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 28 декабрь Фармони;

«Ўзбекистон ССР гражданлик-процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1982 йил 26 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР ГРАЖДАНЛИК-ПРОЦЕССУАЛ ВА АХЛОҚ ТУЗАТИШ-МЕҲНАТ КОДЕКСЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССР Давлат муассасалари ва уларнинг мансабдор кишилари билан чет давлат муассасалари ва мансабдор кишилари ўртасидаги алоқалар тартиби тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1981 йил 23 декабрда Ўрток Георг Георгинович Исаев Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри қилиб тайинланди. Ўрток Михаил Дмитриевич Мухортов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўша куни бу вазифадан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 26 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ДИНИЙ УЮШМАЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Диний уюшмалар тўғрисида»ги Фармонига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 26 апрель Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ Р. АШУРАЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Рашид Ашуралиевни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1982 йил 23 февраль Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ «ЎРТОҚ Б. Р. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўртоқ Бектош Раҳимович Раҳимовни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1982 йил 23 февраль Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил, 27 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ СОСТАВИГА КИРУВЧИ АЙРИМ ШАХСЛАРНИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА ИШГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг:

Ўрток Михаил Дмитриевич Мухортовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1981 йил 21 декабрь Фармони;

Ўрток Георг Георгинович Исаевни Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1981 йил 21 декабрь Фармони;

Ўрток Рафаил Рафғатович Сафаровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 1981 йил 23 декабрь Фармони;

Ўрток Мавлон Эгамбердиевни Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг раиси қилиб тайинлаш тўғрисидаги 1981 йил 23 декабрь Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХУЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 27 апрель.

ДОИМИЙ КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСИ

27 апрель куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат доимий комиссияси КПСС XXVI съезднинг ёқилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишга оид талаблари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида республика Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг ҳисоботини тинглади.

Комиссия мажлисида министрлик ва унинг корхоналари ёқилғи ва энергияни тежаш масалаларига муайян даражада эътибор бераётганликлари таъкидлаб ўтилди. Натижада ўтган беш йил давомида топшириққа қўшимча равишда 130 минг тоннадан ортиқ шартли ёқилғи ва 400 миллион киловатт-соат электр энергия иқтисод қилинди. Бироқ комиссия аъзолари ўтказган текшириш натижалари республика энергосистемасида тежамкорлик режимини янада кучайтириш учун ҳали катта имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Электр энергия бирлигини ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфининг ҳали ҳиссаси катта, республика электр станцияларида хусусий эҳтиёжлар учун ортиқча ҳаражатларга, истеъмолчиларни электр билан таъминлашда тармоқларда нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Комиссия Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигига буғ ва конденсат нобудгарчилигини, хусусий эҳтиёжлар учун энергия сарфини янада камайтиришга оид қўшимча тадбирларни амалга оширишни тавсия этди. Асосий ва ёрдамчи асбоб-ускуналар пишиқлигини оширишга ва уларни ремонт қилиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Халқ депутатлари область Советларининг саноат доимий комиссияларига электр станцияларида ва энергосистеманинг бошқа корхоналарида тежамкорлик режимига риоя этилиши юзасидан контролни кучайтириш таклиф этилди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА МЕҲНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1982 ЙИЛ 1 МАЙ НАМО